
Пресс-тур ташкил этилди

Аҳоли турмуш фаронлигини ошириш, тадбиркорликнинг изчил қўллаб-қувватланиши юзасидан ҳудудларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини ўрганиш мақсадида ташкил этилган пресс-турда ва туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев билан мутбуот анжуманида иштирок этиш учун Фарғона вилоятидаги оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар туманимизга ташриф буюришди. Ташриф пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Жаҳон Азиз пласт" МЧЖдан бошланди. Шунингдек, зангламас темир маҳсулотлари ва автомобилларга свича кабеллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Agro impex valley" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасидаги иш жараёнларига ҳам меҳмонларимиз алоҳида эътибор қаратишди. Куннинг иккинчи қисмида журналист ва блогерлар тумандаги 1-ИДУМИда бўлишиб, ўқитувчи ва ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди, шунингдек, таълим муассасасида экспермент қилинаётган электрон баҳолаш тизими афзалликлари ҳақида маълумотлар олишди. Шундан сўнг, туман ҳокими иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

2020-11-25 22:21:05